

10-10-2019

INNOVATION, SOCIAL INNOVATION AND INNOVATION ACTIVITY: SCIENTIFIC AND THEORETICAL APPROACHES

Элёржон Отабекович Ғаппаров

НамДУ Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси ўқитувчиси

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Ғаппаров, Элёржон Отабекович (2019) "INNOVATION, SOCIAL INNOVATION AND INNOVATION ACTIVITY: SCIENTIFIC AND THEORETICAL APPROACHES," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 10 , Article 27.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss10/27>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

INNOVATION, SOCIAL INNOVATION AND INNOVATION ACTIVITY: SCIENTIFIC AND THEORETICAL APPROACHES

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ИННОВАЦИЯ, ИЖТИМОЙ ИННОВАЦИЯ ВА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ: ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР

Ғаппаров Элёржон Отабекович
НамДУ Миллий ғоя, маънавият асослари ва
ҳуқуқ таълими кафедраси ўқитувчиси

Аннотация Ушбу мақолада инновация, инновацион фаолият ва ижтимоий инновация тушунчаларининг мазмун-моҳияти таҳлил қилинди. Уларнинг жамият ҳамда давлат ҳаёти ва тараққиётида тутган ўрни кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: Инновация, инновацион фаолият, ижтимоий ҳаёт, ижтимоий соҳа, ижтимоий тараққиёт.

ИННОВАЦИЯ, СОЦИАЛЬНАЯ ИННОВАЦИЯ И ИННОВАЦИОННАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ: НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ПОДХОДЫ

Аннотация В данной статье анализируется значение инноваций, инновационной деятельности и социальных инноваций. Роль, которую они играют в жизни и развитии общества и государства.

Ключевые слова: инновация, инновация, общественная жизнь, социальная сфера, социальное развитие.

INNOVATION, SOCIAL INNOVATION AND INNOVATION ACTIVITY: SCIENTIFIC AND THEORETICAL APPROACHES

Abstract This article analyzes the meaning of innovation, innovation activity and social innovation. The role they play in the life and development of society and the state.

Keywords: Innovation, innovation, social life, social sphere, social development.

Давлатнинг жаҳон ҳамжамияти рейтингида юқори ёки қуйи ўринларда туриши унинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан қай даражада тараққий этганлиги билан бевосита боғлиқ. Тараққиёт эса доимо ривожланишга хизмат қилувчи янги ғоялар, яъни инновацияларнинг яратилиши ҳамда уларнинг ижтимоий ҳаётдаги амалиёти натижасида юзага келади. Шу боис инновация ва инновацион фаолият масаласи энг долзарб мавзулардан ҳисобланади. Юксак даражада тараққий этишни мақсад қилган жамият учун бу табиий ҳол албатта. Шу жиҳати билан инновацион фаолият мавзусини тадқиқ этиш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади.

Инновацион фаолият тушунчасига тўхталишдан аввал инновация сўзининг мазмун-моҳиятини кўриб чиқамиз. Инновация атамаси бугунги кунда жамиятнинг барча соҳаларида кенг қўлланилмоқда. Унинг луғавий маъносига тўхталиб ўтадиган бўлсак, “Инновация” атамаси латинча “novatio” сўзидан олинган бўлиб, “янгилашиш” (ёки “ўзгариш”), “in” қўшимчаси эса латинчадан “йўналишида” деб таржима қилинади, агар буни яхлит “innovatio” кўринишида таржима қилинса –

“ўзгаришлар йўналишида” деб изоҳланади. Инноватион тушунчаси биринчи бўлиб XIX-асрнинг илмий тадқиқотларида пайдо бўлди.

“Инновация” тушунчаси ўзининг янги ҳаётини “инновацион комбинациялар”ни таҳлил қилиш, иқтисодий тизимларнинг ривожланишидаги ўзгаришлар натижасида XX-асрнинг бошида австриялик иқтисодчи Й. Шумпетернинг илмий ишларида бошлаган. Шумпетер 1900-йилларда иқтисодда ушбу терминни илмий қўллашга киритган дастлабки олимлардан эди.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида унга шундай таъриф берилган: Инновация инглизча инноватионас сўздан олинган бўлиб, киритилган янгилик, ихтиро маъноларини англатиб, 1) техника ва технология авлодларини алмаштиришни таъминлаш учун иқтисодиётга сарфланган маблағлар; 2) илмий-техника ютуқлари ва илғор тажрибаларга асосланган техника, технология, бошқариш ва меҳнатни ташкил этиш каби соҳалардаги янгиликлар, шунингдек, уларнинг турли соҳалар ва фаолият доираларида қўлланилиши тушунилади[1.199.].

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида эса қуйидгича таъриф берилган: Инновация \ингл. innovation - киритилган янгилик, ихтиро] **1** *иқт.* Техника ва технологиянинг янги турлари (авлодлари)ни жорий этиш мақсадида иқтисодиётга сарфланган маблағлар. **2** Илғор техника ва технология, бошқариш ва б. соҳалардаги янгиликлар ва уларнинг турли соҳаларда қўлланиши. **3** *тлш.* Муайян тилда, асосан унинг морфология соҳасида энг сўнги даврларда пайдо бўлган янги ҳодисалар (тил бирликлари) [2.212.].

Юқорида келтирилган таърифларга эътибор қаратадиган бўлсак, улар асосан инновация тушунчасини технологик ва иқтисодий жиҳатдан изоҳлайди. Бу инновация ҳамда инновацион фаолият тушунчаларини ўрганишда бир томонлама ёндошувнинг юзага келишига олиб келади. Натижада инновация ва инновацион фаолият тушунчаларининг ижтимоий ҳаётдаги аҳамиятини англаш қийинлашади. Шу боис ушбу масала юзасидан илмий изланишлар олиб борган халқаро тадқиқотчиларнинг фикрларини ҳам келтириб ўтаемиз:

Инновация–капитални янги техника ёки технологияга, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, меҳнат, хизмат кўрсатиш ва бошқарувнинг янги шаклларига, жумладан, янгича назорат ва ҳисоб шакллари, режалаштириш ва таҳлил усулларига киритишдан олинган, моддий тус олган натижадир[3].

Инновация (янгиликлар киритиш)–янги маҳсулот турлари, технологиялар ишлаб чиқиш, яратиш ва тарқатишга, янги ташкилий шакллар жорий қилишга йўналтирилган ижодий фаолият натижаси[4].

Инновация–интеллектуал маҳсулот–ихтиро, ахборот, ноу-хау ёки ғоя иқтисодий мазмунга эга бўладиган жараён [5].

Юқоридаги ёндашувлар инновацияни иқтисодий ва технология соҳаларига асосанланган. Бироқ жамият ривожланиши учун иқтисодий соҳа бир қаторда ижтимоий соҳа ҳам бирдек ривожланиши лозим. Инновация тушунчасига шу нуқтаи-назардан ёндашар экан Д. М. Гвишиани шундай тарифф беради: “Инновация - янги ижтимоий эҳтиёж (ёки маълум бўлган эҳтиёжни яхшироқ қондириш) учун янги амалий восита (янгилик) яратиш, тарқатиш ва ундан

фойдаланиш комплексли жараёни; шу билан бир пайтда бу – ушбу янгилик билан унинг ҳаётийлик даври яқунладиган ижтимоий ва буюм ҳолатидаги муҳитда боғлиқ бўлган ўзгаришлар жараёни [6.46.]. Тадқиқотчи бу ерда инновация тушунчасини жамиятни ривожлантиришга хизмат қилувчи янгилик сифатида баҳолайди. Бошқа бир тадқиқотчи Л. В. Канторович ўз изланишлари натижасига кўра инновацияни кашфиёт дея хулоса қилади: “Инновация – амалиётда қўлланадиган ҳамда ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий талабларни қониқтирадиган, мос келувчи соҳаларда самара берадиган илмий ихтиро ёки кашфиётлар” [7.84.]. Бироқ тадқиқотлар натижаси ўлароқ хулоса қиладиган бўлсак инновацияни кашфиёт ёки ихтиро деб бўлмайди. Бизнингча инновацияни янгилик сифатида баҳолаш тўғри бўлади. Бироқ инновацияга ҳар қандай турдаги янгилик сифатида эмас, балки мавжуд тизимнинг самарадорлигини жиддий равишда оширадиган омил сифатида қарашимиз лозим. Кенг тарқалган янглиш фикрлашларга қарамасдан инновациялар кашфиёт ва ихтиролардан фарқ қилади. Яъни, ихтиро - бу янги концепцияни яратиш демак. Инновация эса бу ихтиронинг амалий аҳамиятини ажратиб кўрсатиш ва уни муваффақиятини таъминловчи янгиликдир. Аниқроқ айтадиган бўлсак маълум бир мақсадга етиш учун янги-янги йўлларнинг топилишидир. Демак инновациялар бевосита амалиёт билан чамбарчас боғлиқ ва фаолият натижасида намоён бўлади. Яъни, инноватсийлар - инновацион фаолият натижасида ижтимоий ҳаётда ўз самарасини беради.

Инновацион фаолият тушунчаси кундалик ҳаётда тобора кўпроқ жарангламоқда. Бунинг сабаби жаҳон миқёсида ривожланишнинг янги босқичига ўтиш йўлидаги муаммоларга ечим сифатида инновацион фаолият кўрсатилаётганидир. Инновацион фаолият тушунчасига ҳозирда Ўзбекистон Республикасининг миллий энциклопедиясида, изоҳли ва бошқа луғатларда ҳам таъриф берилмаган. Бироқ, 2006 йил 7 августдаги “Фан ва технологиялар ривожланишининг мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори ва 2007 йил 7 сентябрдаги “Инновация илмий-техника дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитасининг, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Қарорида қуйидаги таъриф таклиф этилади: “Инновацион фаолият - янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот, янги ёки такомиллаштирилган технологик жараён яратиш, ишлаб чиқаришда ўзлаштириш ва (ёки) амалий қўллаш бўйича ишлар бажариш ва (ёки) хизматлар кўрсатиш” [8]. Хорижий тадқиқотчилар эса бу тушунчани қуйидагича изоҳлайдилар: “Инновацион фаолият - яқунланган илмий тадқиқот ва лойиҳалар натижалари ёки бошқа илмий-техник ютуқларни (фан-техника ютуқларини) янги ёки такомиллаштирилган маҳсулотга; бозорда сотиладиган, амалий фаолиятда фойдаланиладиган янги ёки такомиллаштирилган технологик жараёнга, шунингдек,

шу билан боғлиқ қўшимча илмий тадқиқот ва лойиҳаларга жорий қилишга йўналтирилган жараёнлар” [4.78].

Инновацион фаолият тушунчасининг жамият ҳаёти ва тараққиётида тутган ўрни тоғрисида фикр юритар эканмиз шу ўринда буни ижтимоий жиҳатдан изоҳлашга ҳаракат қиламиз. Чунки инновацион фаолият тушунчасига иқтисодий ҳамда технологик ёндошувлар етарлича. Унинг ижтимоий соҳада қўлланиши борасида эса бугунги кунда эътибор етарлича эмас. Инновацион фаолиятнинг ижтимоий соҳада қўлланилиши фанда ижтимоий инновация дея номланади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики ижтимоий инновация тушунчасига Ўзбекистон Республикасининг миллий энциклопедияси, Фалсафий қомусий луғат ва бошқа изоҳли луғатларда ҳам таъриф берилмаган. Одатда, ижтимоий инновациялар деганда ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга йўналтирилган инновациялар тушунилади: меҳнат шароитларини яхшилаш, таълим, соғлиқни сақлаш ва маданиятни ривожлантириш.

Ижтимоий инновациялар XIX асрнинг 60-йилларда Майкл Янг ва Питер Друкер асарларида илк бора тилга олинган. 70-йилларда ижтимоий инновациялар атамаси франсуз муаллифлари томонидан, хусусан Жак Фурниер, Жак Аталли ва Пер Росанваллон томонидан қўлланила бошланди. Бироқ, ижтимоий янгиликлар ва уларнинг намоён бўлиши бундан анча олдин пайдо бўлган. Масалан, Бенжамин Франклин, жамоаларни ижтимоий ташкил этиш билан боғлиқ бир қатор ўзгартиришларни таклиф қилди ва уларнинг ёрдами билан улар кундалик вазифаларини ҳал қилишлари мумкин эди. 19-асрнинг кўплаб туб ислохотчилари, масалан, кооператив ҳаракатининг асосчиси деб ҳисобланган Роберт Оуен ижтимоий ўзгаришга ҳисса қўшди ва энг катта сотсиологлар Макс Вибер, Карл Маркс ва Эмил Дурхайм ижтимоий ўзгаришлар билан боғлиқ турли жараёнларга эътибор қаратдилар.

Ижтимоий инновациялар бўйича тадқиқотлар XX асрда жуда машҳур бўлди. Масалан, Жозеф Шумпетер ўзининг “иждодий ҳалокат” назарияси асосида инновацион жараёнларни ўрганиб чиқди ва тадбиркорларнинг фаолиятини янги маҳсулот ва хизматларни яратишда мавжуд нарсалардан фойдаланишни бошқа замонавий усуллар сифатида кўриб чиқишни таклиф қилди.

Мамлакатимизда ижтимоий инновацияни жамият ҳаётида қўлланилиши ёки янги ижтимоий инновацияларни яратишга қаратилган илмий тадқиқотлар жуда кам. Бироқ, ижтимоий инновацияни амалиёти билан бевосита боғлиқ ислохотлар кўплаб амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. М. Мирзиёев томонидан 2018-йилни “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилиниши шу жумладандир. “Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга инновацияга таянган давлат ютади. Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо

этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак”.[1]

Ижтимоий инновациянинг моҳиятига эътибор қаратадиган бўлсак, бу жамият ва давлат ҳаётига оид жараёнларни шу жамият ёки давлат фуқаролари билан ҳамфикр бўлган ҳолда амалга ошириш дея тушуниш мумкин. Яъни, ижтимоий инновация бу биринчи навбатда ҳамкорлик деганидир. Мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилган ислохотларга эътиборни қаратсак, қатор ижтимоий инновацияларни кўришимиз мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони билан Халқ қабулхоналари ҳамда Президент виртуал қабулхоналарининг очилиши шу жумладандир. Ушбу амалиёт натижасида демократиянинг энг муҳим шarti бўлган фуқароларнинг давлат бошқарувида бевосита ва билвосита иштирок этиши тамойили янада мустаҳкамланди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки бугунги кунда инновацион фаолиятни йўлга қўйиш орқали жамият ёки давлат ҳаётини тараққий этишига хизмат қилади. Бугунги кунда инновацион фаолият тараққиётнинг асосий шarti, меъзонидир. Бироқ инновацион фаолиятни янгилик сифатида қабул қилинсагина у тараққий этишга хизмат қилади. Акс ҳолда, яъни, уни кашфиёт сифатида қабул қилиниши кўп ҳолларда турли ҳил тушунмовчиликларнинг юзага келишига ва айнан кашфиётнинг амалиётда қўлланмаслигига сабаб бўлиши мумкин. Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, инновацион фаолиятни иқтисодий, технология, ишлаб чиқариш жараёнлари қаторда ижтимоий соҳада ҳам баробар қўлланилиши лозим. Акс ҳолда бу амалиёт жамиятнинг бир томонлама ривожланиши, кучли ижтимоий ҳамда сиёсий инқирозга сабаб бўлиши мумкин.

References:

1. O'zbekiston milliy ensiklopediyasi. I /. - T.: "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi" Davlat ilmiy nashriyoti. 2003. 199-bet.
2. O'zbek tilining izohli lug'ati. 2-t. I /. - T.: "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi" Davlat ilmiy nashriyoti. 2006. 212-bet.
3. Balabanov I.L. Innovatsionniy menedjment. SPb.: Piter, 2001.
4. Borisov A.B. Bolshoy ekonomicheskiy slovar. M.: Knizny mir,2000.
5. Brayan T. Upravlenie nauchno-texnicheskimi novovvedeniyami. M.: Ekonomika,1989,
6. Gvishiani D.M. Dialektiko-materialisticheskie osnovaniya sistemnix issledovaniy. // Dialektika i sistemny analiz. M.: Nauka,1986.
7. Kantorovich L.V. Sistemnyy analiz i nekotorme problemn nauchno-texnicheskogo progressa: Dialektika i sistemnyy analiz. M.: Nauka,1986.
8. www.lex.uz.
9. Xalq so'zi. // O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Oliy Majlisga Murojaatnomasi. 2017-yil, 22-dekabr.